

“Олий Мехр ФАРМ ” МЧЖ, кейинги ўринларда “Сотувчи” деб юритилади. Ўзининг низоми, асосида иш юритувчи Ш.Инатов номидан, бир томондан ва Каттакургон туман тиббиёт бирлашмаси кейинги ўринларда “Сотиб олувчи” деб юритилади, Ўзининг низоми, асосида иш юритувчи М.А.Асрарова номидан, иккинчи томондан мазкур шартномани куйидагилар ҳақида тузилар.

1. ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ

1.1. Сотувчи ўзига тегишли бўлган товар(маҳсулот)ни ушбу спецификацияга асосан Сотиб олувчига мулк қилиб топшириш, Сотиб олувчига ўз вақтида сифатли қилиб етказиб бериш, Сотиб олувчига эса товар(маҳсулот)ни қабул қилиш ва ушбу Шартномада белгиланган муддатларда пул ўтказмаларини бажаришни таъминлайди.

№	Товар (иш, хизмат) номи	Ўл. бир.	Сони	Нархи	ҚҚС		Суммаси
					Ставка	Сумма	
1	Перчатка мед стерил 7.7,5.8	пара	1850	4 482,00	0,00	ҚҚСсиз	8 291 700,00
2	Перчатка нестерил	штг	10000	1 170,00	0,00	ҚҚСсиз	11 700 000,00
Жами:							19 991 700,00

1.2.Шартноманинг умумий суммаси: 19 991 700 (Уч туққиз миллион туққиз юз туқсон бир миң етти юз) сўми ташкил қилади.

2. ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР ШАРТЛАРИ

2.1.“Буюртмачи” мазкур шартномани газначилик бўлимида рўйхатга олинган кундан бошлаб 25 банк иш куни ичида қонунчиликка мувофиқ, шартнома умумий суммасидан 30% миқдорда (шартнома суммасидан 30% миқдорда) олдиндан тўлаш мажбуриятини олади, қолган 70% ни товарни олгандан сўнг 25 банк иш куни ичида қабул қилиш-топшириш далолатномаси, ҳисоб-фактура ва в.б. асосида тўлайди.

2.2. “Етказиб берувчи” аванс маблағлари Етказиб берувчининг тегишли ҳисобварағига келиб тушган вақтдан бошлаб 3 банк иш куни ичида товарни етказиб бериш мажбуриятини олади.

2.3. “Етказиб берувчи” амалдаги ГОСТ га мувофиқ товарни етказиб бериши шарт.

2.4. “Буюртмачи” товарларни қабул қилишда “Етказиб берувчи” иштирокида олинаётган товарларнинг тўлиқлигини ва сифатини шартноманинг 1.1-бандида кўрсатилган товарларга мувофиқлигини текшириши шарт.

2.5. Агар мазкур шартнома билан бошқа ҳоллар кўзда тутилмаган бўлса, товарларни ташиш ва тушириш бўйича барча харажатлар Етказиб берувчи ҳисобидан амалга оширилади.

2.6. Буюртмачининг розилигига кўра товар муддатидан олдин етказиб берилиши мумкин.

2.7. Етказиб берилган товар бевосита Буюртмачининг масъул ходимлари томонидан далолатнома бўйича қабул қилинади ва унда етказиб берилган товарларнинг миқдори, унинг сифати кўрсатилади.

2.8. Мазкур шартномада кўзда тутилган товарларни етказиб бериш, мазкур шартномага мувофиқ амалга оширилади.

Етказиб берувчидан шартномани бажариш учун зарур бўлган давлат стандартлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;

Буюртмачи ҳисобидан товарлар ташиб келтирилганда, Етказиб берувчидан транспорт харажатларини коплаб беришни талаб қилиш, агар мазкур шартноманинг шартлариджа бошқа ҳоллар белгиланмаган бўлса;

Етказиб берувчидан мазкур шартномага мувофиқ, тегишли сифат, ассортимент бўйича товарларни етказиб беришни талаб қилиш;

Сифатсиз товар етказиб берилганда ўз ихтиёрига кўра куйидагилардан бирини талаб қилиш:

а) тегишли сифатдаги шунга ўхшаш товар билан алмаштириб бериш;

б) камчиликларни бегараз бартараф этиш;

в) етказиб берувчидан мазкур шартнома шартларини бажармаганлиги ёки тегишли даражада бажармаганлиги натижасида етказилган зарарни коплаб беришни талаб қилиш.

3. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Буюртмачининг ҳуқуқлари:

Етказиб берувчидан шартномани бажариш учун зарур бўлган давлат стандартлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;

Буюртмачи ҳисобидан товарлар ташиб келтирилганда, Етказиб берувчидан транспорт харажатларини коплаб беришни талаб қилиш, агар мазкур шартноманинг шартлариджа бошқа ҳоллар белгиланмаган бўлса;

Етказиб берувчидан мазкур шартномага мувофиқ, тегишли сифат, ассортимент бўйича товарларни етказиб беришни талаб қилиш;

Сифатсиз товар етказиб берилганда ўз ихтиёрига кўра куйидагилардан бирини талаб қилиш:

а) тегишли сифатдаги шунга ўхшаш товар билан алмаштириб бериш;

б) камчиликларни бегараз бартараф этиш;

в) Етказиб берувчидан мазкур шартнома шартларини бажармаганлиги ёки тегишли даражада бажармаганлиги натижасида етказилган зарарни коплаб беришни талаб қилиш.

3.2. Буюртмачининг мажбуриятлари:

а) мазкур шартномага мувофиқ етказиб берилган товарларни қабул қилиш;

б) товарларнинг қийматини мазкур шартномада белгиланган нархда ва муддатда тўлаш.

3.3. Етказиб берувчи куйидаги ҳуқуқларга эга:

а) “Буюртмачидан” олдиндан тўлов ва етказиб берилган товарлар учун якуний ҳисоб-китобларни Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида кўзда тутилган тартибда ва ҳажмларда амалга оширишни талаб қилиш;

б) Буюртмачидан шартномага мувофиқ, етказиб берилган товарларни асосиз равишда қабул қилмаслик натижасида етказилган зарарларни коплаб беришни талаб қилиш.

3.4. Етказиб берувчининг мажбуриятлари:

а) Буюртмачига товарларни мазкур шартномага мувофиқ белгиланган муддатда, миқдорда ва сифатда етказиб бериш;

б) агар товарларни етказиб бериш жараёнида Етказиб берувчи шартнома шартлари ва меъёрлардан ёки Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигидан четга чиқишга йўл қўйган ҳолларда Буюртмачининг талаби бўйича 3 - кун муддат ичида барча аниқланган камчиликларни бегараз бартараф этиш.

3.5. Мазкур шартнома белгиланган тартибда мазкур шартнома шартлари ва талаблари ва Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилигига мувофиқ ижро этилиши шарт.

3.6. Томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг ижросини таъминлаган тақдирда шартнома бажарилган ҳисобланади.

4. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИКЛАРИ

4.1. Товарларни танлаб олмастик, шунингдек етказиб берувчи шартномада белгиланган муддатда (даврд) уларни етказиб берганда товарларни олишни асоссиз равишда рад этганлик учун сотиб олувчи етказиб берувчига танлаб олинмаган (ўз муддатда олинмаган) товарлар қийматининг 5 фоизи миқдориди, тез бузиладиган товарлар буйича эса — 10 фоиз миқдориди жарима тўлайди.

муассасасига тўлов топшириқномасини тақдим этмаганлик, чек бермаганлик, аккредитивни тақдим этмаганлик ва ҳоказо) учун буюртмачи маҳсулот етказиб берувчига ўзи тўлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 15 фоизи миқдориди жарима тўлайди.

4.2. Етказиб берилган товарлар ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун буюртмачи етказиб берувчига етказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдориди, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдориди пеня тўлайди.

4.3. Етказиб берувчи:

а) микдор, сифат, техник параметрлар, шунингдек таклиф этилаётган товарларни етказиб бериш муддатлари ва жойи буйича етказиб берувчи шартнома шартларининг буюртмачи назарда тутилган шартларга мувофиқлиги;

б) шартнома шартларининг бошқа бузилишлари;

в) тузилган шартнома шартларининг бажарилмаганлиги учун жавоб беради.

4.4. Агар етказиб берилган товарлар сифати, ассортимент ва нави буйича стандартлар, техник шартлар, намуналарга (эталонларга) қонун ҳужжатларида ёки ҳужалик шартномасида белгиланган бошқа мажбурий шартларга мос келмаса, сотиб олувчи (буюртмачи) товарларни қабул қилиш ҳамда уларнинг ҳақини тўлашни рад этиб, етказиб берувчидан сифати, ассортимент ва нави лозим даражада бўлмаган товарлар қийматининг 20 фоизи миқдориди жарима ундириб олишга, агар товарлар ҳақи тўлаб қўйилган бўлса, тўланган суммани белгиланган тартибда қайтаришни талаб қилишга ҳақлидир. Сифати, ассортимент ва нави лозим даражада бўлмаган товарлар етказиб берганлик учун жарима етказиб берувчидан акцептсиз тартибда ундириб олинади.

4.5. Товарларни етказиб бериш муддатлари кечиктириб юборилган, тўлиқ етказиб берилмаган, товар етказиб берувчи сотиб олувчига (буюртмачига) кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдориди пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар, бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни товарларни етказиб бериш муддатларини кечиктириб юбориш, тўлиқ етказиб бермаслик, оқибатида етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

4.6. Марка белгиси қўйилмаган ёки лозим даражада маркировка қилинмаган товарларни, шунингдек идишсиз ёки ўралмаган товарларни ёхуд тегишли идишга жойланмаган ёки лозим даражада ўралмаган товарларни етказиб берганлик учун етказиб берувчи сотиб олувчига (буюртмачига) бундай товарлар қийматининг 5 фоизи миқдориди жарима тўлайди. Товарлар қабул қилингандан кейин яна жўнатилиши ёки саклалиши керак бўлган ҳолларда сотиб олувчи (буюртмачи) жарима ундиришдан ташқари, ўз кучи билан, лекин етказиб берувчи ҳисобидан товарларни ўрашга ва идишларга жойлашга, ёхуд бир шаҳардаги етказиб берувчидан товарларни ўраб бериш ёки идишларга жойлаб беришни талаб қилишга ҳақлидир.

5. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

5.1. Келишмовчиликлар ва баҳслар келиб чиққан тақдирда, томонлар, қоидага кўра, мустакил равишда уларни судга ҳал этиш чораларини кўрадилар.

5.2. Томонлар келишмовчилик ва баҳсларни ҳал этиш учун бевосита ҳужалик судига мурожаат қилишга ҳақлидир.

5.3. Томонлар ҳужалик судига мурожаат қилган тақдирда, суд иши даъвогар жойлашган манзилдаги ҳужалик судида кўриб чиқилади.

6. ФОРС-МАЖОР

6.1. Форс-мажор натижасида мажбуриятларни бажарилмаслиги ҳолатлари келиб чиқса ва бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 15 мартдаги 63-сонли “Енгиб бўлмас куч (форс-мажор) ҳолатларининг мавжудлигини тасдиқлаш механизминини киритиш тўғрисида”ги қарориди кўзда тутилган шартларда томонлар ушбу шартнома буйича мажбуриятларни қисман ёки тўлиқ бажарилишидан озод этилади.

7. БОШҚА ШАРТЛАР

7.1. Ушбу шартномада томонларнинг кўзда тутилмаган ўзаро муносабатлари Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан тартибга солинади.

8. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ


8.1. Мазкур шартнома туман газначилик бўлини масида мажбурий рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради ва 2022 й. “31” декабргача амал қилади.

8.2. Шартноманинг амал қилиши бир томоннинг ташаббусига кўра ой (бир) давомида бошқа томонга ёзма ариза топширган кундан бошлаб, барча ўзаро ҳисоб-китоблар тугаганлиги муддатидан аввал тўхтатилиши мумкин.

Томонлар ўз зиммаларига олган мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаган ҳолларда шартнома бажарилган ҳисобланади.


8.3. Шартноманинг амал қилиш муддатини тугаши томонларни жавобгарликдан озод қилмайди.

9. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАИЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

Сотувчи:	Сотиб олувчи:
Ташкилот номи: "Олий Меҳр ФАРМ" МЧЖ	Ташкилот номи: Каттакургон туман Тиббиёт бирлашмаси
Манзил: каттакургон туман Қадан кургунчаси	Манзил: : К-қургон Пайшанба
Тел.: 998 93 226 32 27	Тел.: 4143132
Х/р: 20208000405185553001	Х/р: 100029826012454045101054001
Банк: АТБ "Халк банк" Пайшанба филиали	Банк: Тош.шах.марказий банк МФО:00014
МФО: 00737	ИНН: 200748717 ОКОНХ: 91511
СТИР: 307173982	ЯГХ.х/р23402000300100001010
ИФУТ: 46460	ИНН.201122919
Раҳбар: Ш.Ш.Ишатов М.Ў. (имзо)	Раҳбар:  М.Ў. (имзо)

Хуқуқшунос:

Хуқуқшунос:





O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI
SAMARQAND VILOYATI ADLIYA BOSHQARMASI
KATTAQO'RG'ON TUMAN YURIDIK XIZMAT KO'RSATISH MARKAZI

141408. Kattaqo'rg'on tumani, Kadan mahallasi, Mustaqillik ko'chasi

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RSIDA HUQUQIY
XULOSA**
№ NS46730747

1. Loyihaning turi.

Shartnoma.

2. Loyihaning nomi.

Kattaqo'rg'on tuman tibbiyot birlashmasi va "OLIY MEHR FARM"
MCHJ_o'rtasida (Perchatka med steril 7 7.5 8 va Perchatka nesteril) yetkazib berish
to'g'risidagi №4-sonli shartnoma.

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot.

Shartnoma loyihasi, Kattaqo'rg'on tuman tibbiyot birlashmasi tomonidan
ishlab chiqilgan va markazga huquqiy xulosa berish uchun 2022 yil 24 yanvar kuni
kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul
qilish maqsadga muvofiq.

Markaz boshlig'i



S.Mamarajabov

2021 yil 24 yanvar

